

ДИСКУРС ВА УНИНГ РЕКЛАМАДАГИ ЎРНИ

Б. Х. Абдуллаев

АДУ.филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Хозирда реклама матнида дискурснинг ўрни амалий тилшуносликка оид билимларга асосланади. Ушбу мақолада дискурснинг этимологик талқини ва реклама нутқидаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. Дискурс, Дискурсив таҳлил, Гендер назариясининг рекламадаги ўрни, Ментал фикрлаш

КИРИШ

Хозирда замонавий тилшуносликнинг энг долзарб йўналишларидан бири “Дискурс” ва “дискурсив таҳлил”, “хусусий дискурс” тушунчаларини ишлаб чиқиши бо'либ, комуникатив нутқда ушбу лингвистик воситалар то'плами янги ва аллақачон таниш бо'лган ҳодисаларни о'рганишда жуда фаол қўлланилмоқда. Нутқий дискурс ва нутқий таҳлил ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар сиклининг турли соҳаларида илмий тадқиқотларда фаол фойдаланиладиган унсур бўлиб қолмоқда.

Аниқ фанларда “нутқ” та'рифининг о'зи жуда ноаниқ бо'либ, уни ижтимоий комуникатсийда мулоқотнинг ко'ламига қараб изоҳлаш мумкин. Ко'п ҳолларда "дискурс" деганда икки ёки ундан кўп шахснинг ўзаро ма'lум нуқтаи назардан ко'рилган матнни англатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хозирги вақтда тилшуносликда матн тушунчасига катта э'tибор қаратиш унинг нутқнинг таркибий қисми сифатида қарала бошлаганлиги билан bog'лик десак муболага бўлмайди. Дискурс "...экстраконцептив - прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа омиллар билан уйғунлашган изчил матн; воқеа аспектида олинган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ. Дискурс - бу "ҳаётга ботган" нутқдир [1].

Дискурс, асосан, нутқнинг амалий вазифаларини ўзида мужассамлаштирган, эмотсияга бойитилган ва бирор мақсадни амалга оширишда тилнинг бор имкониятларидан фойдаланиладиган нутқдир. хусусан, реклама лингвистикасида истеъмолчини онгига таъсир этиш учун эмотсия ва мантиқка бойитилган

нутқ сифатида намоён бўлади. Дискурснинг асосий вазифаси оғзаки рекламаларда индувидал ва оммавий тарзда намойиш этилади. Бунда сотувчи ва ҳаирдо ўртасида иккисини ҳам мақсадини амалга оширишда ҳизмат қиласи. Истеъмолчи онгини монипуляция қилиш жараёни оғзаки рекламаларда аниқ сезилади. Оғзаки рекламаларда сотувчининг бозор иқтисодиётида дискурснинг моҳиятини англаши тил прагматикасининг нақадар жозибали эканлигини ва нутқий таъсирнинг психологик аспектларда тоғри фойдаланишида қулай вазият ҳосил қиласи. Чунки ҳаридор ва сотувчи ўртасидаги индувидал вазият ҳар иккисининг ҳам психологик вазиятига қараб хусусий дискурс кўринишида намоён бўлади. Мисол тариқасида бир холатни кўриб чиқсан,

....Ёз фаслида Андижон вилоятидаги “Жахон бозори” худида жойлашган тилла бозорига йўлим тушиб қолди. Ичкарида сотувчиларни кузатар эканман бир холат ўзига тортди. Бир қўкат сотувчи тоғо тиллафуруш олдидан ўтиб кетаёйиб,

- Аччиқиз қанақа Раъно опа?, деди сотувчи.
- Аччиқ? Аччиғифим сал озроқ қолди. Тугади десам ҳам бўловради.
- Унда янги узилганидан бериб кетайми? , деди сотувчи қўлидаги янги ухилган қалампирни кўрсатиб.

- Майли, икки боғдан кашнич, укроплардан ҳам қўшиб ташлаб кетинг.

Бу вазиятда сотувчи кўриб турганиздек, шахснинг эмотсионал холатини ўзидаги маҳсулот билан номлаб, прагматик маънода хусусий дискурсни шаклланишида моҳирона йўл тутди. Дискурснинг эътимологик нуқтаи назаридан кўриб чиқсан.

Дискурс (фр. диссоурс, инглизча нутқ, лот. диссурсус-дан "олдинга ва орқага югуриш; ҳаракат, тираж; сұхбат, сұхбат"), нутқ, лингвистик фаолият жараёни; гапириш услуби. Бир қатор гуманитар фанлар учун ноаниқ атама бо'либ, унинг мавзуси бевосита ёки билвосита тилнинг фаолияти - тилшунослик, адабиётшунослик, семиотика, сотсиология, фалсафа, этнология ва антропологияни о'рганишни о'з ичига олади. [2]

Аслида, “Дискурс” атамасининг барча соҳаларда ишлатилиш ҳолатларини ўзида мужассамлаштирган аниқ қабул қилинган та'рифи ва қолипи мавжуд эмас. Балки, ушбу атаманинг 21 асрнинг со'нгги о'н йилларидаги илмий тадқиқотчилар ва олимлар орасида кенг муҳокамага айланганига ва оммалашганига шу нарса сабаб бо'лиши мумкин. Дискурс турли соҳалардаги шахс муносабатлари билан бөг'лиқ турли хил тушунчалар, турли хил контсептуал эҳтиёжларни қондириб, нутқ, матн, диалог, услугуб ва ҳатто тил ҳақида ан'анавий г'ояларни

о'згартиради. Чунки, шахс муносабатлари хаотик тарзда аниқ бир тўхтамда ягона формулага тушгани йўқ. Дунёвий илмларнинг ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ортидан дискурсив муносабат ҳам ўзгариб боради. Мисол учун сотсиал тармоқларнинг оммалашини реал нутқий мулоқотдаги ҳолатдан фарқланар эди. Кейинчалик интернетнинг ривожланиши реал воқеъликдаги нутқий муносабатларга анча яқинлашди. Айтайлик, дастлаб смс, пейджерлар орқали ёзма нутқ реал нутқий вазиятдан анча узоқлашган бўлса, кейинчалик Ссайд, Wҳатсапп, Телеграм ва бошқалар орқали видеоқўнгироқлар пайдо бўлиб ўзига ҳос дискурсив олам пайдо бўлди ва реал нутқий вазиятга яқинлашди. Илм-фан ривожланиши оқибатида нутқий комунакатсион вазиятлардаги дискурсив муносабатлар турли ҳил нутқий таъсиранчик учун тилнинг лексиографик тамойилларидан кенг фойдаланади. Чунки, дискурс – мақсадли нутқий вазиятни амалга оширади.

Дастлаб лингвистик қонуниятда, матн тилшунослиги ва дискурс таҳлили тилшуносликнинг бир хил соҳаларини ташкил қиласиди. Кейинчали 20 асрнинг, 70- 80-йилларда “матн” ва “нутқ” тушунчаларини чуқурроқ ўрганилди ва бу жараёнда босқичма-босқич фарқлаш ҳодисаси кузатилди. Тилшуносликда кузатилган бунда ўзгаришлар натижасида матннинг тил тизимида мураккаб лингвистик белги, мавҳум, формал системалиги, нутқ эса уни актуаллаштириш имкониятларини бериши ва мулоқот циклини маълум бир қонуниятлар билан ташкил этиши тушунилди. Ушбу ҳолат тишуносликда катта имкониятлар ва ўрганилиши зарур бўлган лингвистик оламнинг бир тарафи сифатида баҳоланди.

Дискурсив таҳлил - бу мулоқот жараёнида экстралингвистик омиллар билан биргаликда матнга мурожаат қилиш. Асосланган нутқ матнларини, масалан, реклама матнлари - мулоқотга та'сир қилишнинг амалий шаклларини о'з ичига олади. Телевизион реклама энг оммабоп реклама турларидан бири ҳисобланади, чунки бу турдаги реклама максимал та'сир потентсиалига эга. Ҳозирги вақтда телевидение реклама матнлари лингвистик ва психологик таҳлил учун ноёб об'ект ҳисобланади, чунки бу икки соҳа бир-бири билан чамбарчас bog'лиқ. [3]

Рекламанинг семиотик таҳлили дискурсив таҳлилнинг ажralmas қисми ҳисобланади. “Дискурс – коммуникантларнинг онгини ўз ичига олган коммуникатив вазият ва мулоқот жараёнида яратилган матн”[4]. Дискурсив таҳлилнинг энг кенг тарқалга тури нутқнинг грамматик таҳлили бо'либ, у матнларда лексик, морфологик, синтактик, семантик жиҳатлар тавсифини о'з ичига олади, масалан,

баҳоловчи лингвистик тузилмалар таҳлили, прагматик жиҳатдан аҳамиятли лексикографик, ҳиссий-эмотсионал ко'ринишларнинг тил тавсифлари ва бошқалар. Рекламада Грамматик таҳлил вазифаси матни ма'lум бир ишора тизимиға эга о'зига хос адабий шакл сифатида ко'риб чиқишидир. Чунки реклама матни ҳам ўзига хос амалий нутқ тенденсияларини юзага чиқаради ва нутқнинг қийматини оширади. Шунинг учун ҳам замонавит тилшуносликда реклама лингвистикасининг ривожланиши ва амалий тилшуносликнинг қимматли ахборот матни сифатида муҳим ўрин олиши лингвистик қонуниятларнинг ижтимоийлашувига олиб келиш вазифаси асосий ўринга чиқди. Натижада 21 асрда реклама матни ва тушунчаси лингвистик унсур сифатида тилшунослярнинг диққат марказида бо'лди.

Мутахассисларнинг фикрича, реклама матни биринчидан, барча тил даражаларида экспрессив воситаларнинг г'айриоддий юқори концентратсиясини жалб қиласи, бу реклама матнининг прагматик функтсияси - энг қисқа вақт ичидаги аудиторияга та'сир о'tказиш зарурати билан белгиланади. Иккинчидан, оммавий мулоқот тили фанлар чорраҳасида: психолингвистика, сотсиолингвистика, лингвокултурология соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун унумли материалдир. [5]

Замон билан ҳамнафас яшаётган инсоннинг ҳаёт тарзини рекламасиз тасаввур қилиб бо'лмайди. Истеъмолчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ёши, жинси, дунёқарашини ҳисобга олиб, барча истеъмолчи учун тушунарли умумий реклама матнини тайёрлар жуда қийин. Чунки истеъмолчиси умумий бўлган маҳсулот деярли реклама қилинмайди. Шунинг учун ҳам қўп холатларда реклама матнига истеъмолчини аниқлаш холатлари осон аниқланади. Рекламаларнинг жинсга доир типини аниқлаш гендер тилшунослиги вазифаси саналади. Бугунги кунда яратилган гендер реклама стереотиплари истеъмолчи ко'з о'нгидаги о'зига хос жозиба касб этади, улар о'з-о'зини баҳолаш учун истеъмолчилар кўз онгидаги идеалга айланади. Реклама гендер стереотипини шакллантиришнинг дискурсив механизмини яратишида истеъмолчининг ареал макони ва миллий қадриятларини ҳисобга олади. Чунки жамиятда намойиш қилинаётган реклама ролиги ва матни лексик жиҳатдан диний дунёқараш, миллий қадриятларни ҳисобга олиш зарур. Ҳар қандай реклама матни истеъмол доираси бир типдаги аудиторияга мўлжалланган бўлса ҳам, Европа ва Осиёда бирдек қабул қилинмайди. Замонавий жамиятнинг ҳар қандай қадриятлар тизимида содир бо'лаётган о'згаришларни тушунтиришга имкон берадиган ҳолатни ҳисобга олиб акс эттириш рекламаернинг асосий вазифаси саналади. Гендер


рекламада жинсий стереотип ҳисобга олинса-да, лингвокултурологик тизим ҳисобга олинмаслиги, рекламанинг танқидга учраши ва омадсиз натижаси билан қадрсизланишга олиб келади. Мисол учун “тулки” образи қайсиdir Европа давлатида ижобий прагматик сема ҳисобланса, Ўзбекистон ва Марказий осиёда салбий образ саналади. Шунга ўхшаш мисолларни бир қанча келтириш мумкин. Зеъро. С.Ю.Воробева то'г'ри та'кидлаганидек, "гендер тадқиқотларининг самарадорлиги дунё ва инсонни баҳолаш учун унинг ривожланиш даражасига мос келадиган янги асослар ва координата тизимлари учун замонавий билимларга бо'лган эҳтиёж билан bog'liq" [6]. Гендер жиҳатдан дискурсив таҳлил юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиши тилшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Гендеризмнинг Европа ва Осиёда бирдек қабул қилишида миллий маданият, лингвокултурологик қонуният ва ментал дунёқараш муҳим рўл ўйнайди. Реклама мутахассисларнинг ушбу мавзуга қизиқиши ҳам ижтимоий-сотсиологик эҳтиёжлар билан аниқланади.

Бугунги кунда энг қимматбаҳо ахборот матни реклама матни эканлигини ва унга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораётганини ҳисобга олиб, реклама мутахассислари истеъмолчилар онгини манипулятсия қилишнинг йўлларини ва янги усулларини қидирмоқдалар, чунки reklama эҳтиёжманд – буюртмачи компаниянинг бизнес муваффақияти уларнинг истеъмолчи онгига ижобий та'сир қилиш ва асосий мижозига айланиш қобилиятига bog'liq бўлиб қолмоқда. Аммо, рекламерлар учун истеъмолчилар онгига нутқ та'сири усулларини билиши кенг аудитория учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки истеъмолчилар қачон ва нима учун манипулятсия қилинаётганини тушунишлари ва тўғри қарор қабул қилишлари реклама қилинаётган маҳсулот кейинчалик бошқа истеъмолчини тавсия қилиши орқали ортишига олиб келади. Яъни, истеъмолчини ма'lум бир харидни амалга оширишга сабаб бўлади. Айниқса, Ўзбек бозорида тавсия қилинаётган маҳсулотлар бозори чақон бўлади. Рекламанинг истеъмолчилар онгига салбий тушунча сифатида қабул қилиши “ишончсизлик” тушунчасини оммалашишига олиб келди. “Хах, Реклама қиляпти?”, “Менимча, бу реклама бўлса керак.”, “Реклама қилмасдан бўладиган гапдан гапир.”, “Рекламада айтаверади, аслида қандоқ экан?” каби жумлалар рекламанинг обрўсини емириб бормоқда. Бунга соғлом рақобатни тушунмайдиган буюртмачи компаниялар ҳам сабаб бўлмоқда. Аслида, реклама истеъмолчиларга тавсия қилинаётган маҳсулотнинг аслий сифатларини тўғри талқин қилиши керак. Истеъмолчилар онгига шаклланаётган ижобий тушунча, амалиётда тавсия этиладиган оғзаки рекламанинг ривожаниши учун асос бўлиб ҳизмат қиласи.

Марказий осиё давлатлари “алдов” ҳолатини жуда ққаттиқ қоралайди. Айниқса, аёл истеъмолчилар орасида реклама ва тавсия тушунчалари икки хил қабул қилинади. Дугонаси, қариндоши ёки яқинларининг тавсияси билан тажрибадан ўтган маҳсулотни ҳарид қилиш жуда кенг тарқалган. бунга мисол тариқасида Ўзбекистонда оммалашаётган “Орифлейм” косметик компанияси, “Гано эхсел” корпоратсияси ва шунга ўхшаш компаниялар ўз аудиториясини кенгайтиришда индувидиал тарзда истеъмолчилар онгига кириб боришлоқда. уларнинг суҳбат жараёнида ишлатиладиган лексик бирликлар, асосан, шахсни мақташ ва эҳтиёжни самарадор ечими эканлигини тушунтиришга ҳизмат қилмиқда. Эътиборга молик томони тавсия қилиш реклама сифатида истеъмолчилар онгига жуда тез таъсир қилмоқда. “Ўзим истеъмол қилдим, натижаси мени қониқтири. Сизга ҳам тавсия қиласман.” каби жумлалари реклама қилинаётган маҳсулотларнинг ҳусусиятларини намойиш қилгандан кўра яхши самсра бермоқда. Мисол учун “Алҳадая” маҳсулоти рекламасига эърибор берсак:

“Кўз зренням пастроқ, толиқишлиар қўпроқ манда. Кўп ўтириб ишлаганим учун, умуртқаларимда, бўйинларимда оғриқ бўлар эди. овқат ҳазм қилишда озгина муаммолар бор. Иммунитетимни кўтаришга ёрдам берди. Мен саломатлигимни яхшилаш учун ал ҳадая седана ёғини танладим ва афсусда эмасман. Сизларга ҳам тавсия бераман.”

Энди алҳадая рекламасининг бошқа вариянтига эътибор берсак:



Демак, икки мисолимиздаги рекламаларнинг биринчиси таъсирчан ва ўзига тортадиган ҳолатда тайёрланган. Чунки, истеъмолчини ўзи натижасини билгани ва тавсия бергани устунликни ўзида сақлаб қолмоқда.

ХУЛОСА

Юқоридаги барча ҳолатларни ҳисобга олиб, кенг тарқалган ва оммалашган реклама матни дискурсив таҳлил қилишнинг долзарблигини аниқ аниқлайди ва телевисион

рекламаларнинг қанчалик дискурсив таҳлилга эҳтиёжманд йўналиш эканлигини тасдиқлайди.

REFERENCES

1. Пиронкова О. В. Живые новости // Социс, 2000, № 8, с.67 – 74
2. Чия, Р. (2000). Дискурс таҳлили ташкилий таҳлил сифатида. Ташкилот, 7, 513-518.
3. Мисяченко С.В. Лексико-семантические средства прагматики в дискурсе телевизионной рекламы // Е?У Хабаршысы (Вестник Е?У). - Казахстан. - №1 (74). - 2010г.
4. Кибрик А. Е. Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах. – М., 1987. (280 с.) – С.
5. Асташева Е.М. Воздействующий потенциал телевизионного рекламного дискурса // Вестник НГПУ. - Новосибирск: Издательство Новосибирского Государственного Педагогического Университета
6. Мирошниченко Г. Рекламный дискурс как инструмент формирования новых гендерных стереотипов // Филологические науки. Вопросы теории и практики - Тамбов: Грамота, 2013. - С. 121-124.